РЕСПУБЛИКА ПАХТАСИ 6.000.000 ТОННАДАН ОШДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 209 (7349). ● 1 ноябрь, 1980 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 31 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобида), тўртинчи устун — шу жумладан машинада бир кунда терилгани, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

ПИСКЕНТ	0,29	122,91	0,27	121,90
БЎКА	0,02	121,76	0,02	116,73
ҒАЛАБА	0,02	114,34	—	105,27
БЕКОБОД	0,32	112,80	0,39	109,69
ЧИНОЗ	0,70	111,50	—	108,56
ОҚҚЎРҒОН	0,02	107,95	0,02	102,06
КОММУНИСТИК	0,65	107,22	0,64	96,50
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,65	106,13	0,51	105,50
ЯНГИЙЎЛ	0,04	104,16	0,06	103,10
ОБЛАСТЬ БЎЙИЧА:	0,21	112,48	0,20	110,71

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобида): БУХОРО — 112,42; САМАРҚАНД — 111,16; ҚАШҚАДАРЁ — 108,79; СУРХОНДАРЁ — 106,96; ЖИЗЗАХ — 105,66; СИРДАРЁ — 105,15; ХОРАЗМ — 103,49; ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР — 101,59; Фарғона — 97,94; Андижон — 96,42; Наманган — 93,52. РЕСПУБЛИКА бўйича — 103,01.

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ АРБОБЛАРИ, МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ! УЛУҒ ВАТАНИМИЗГА МУНОСИБ АСАРЛАР ЯРАТИНГИЗ!

СОВЕТ САНЪАТИНИНГ ПАРТИЯВИЙЛИГИ ВА ХАЛҚЧИЛЛИГИ БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

КЎМАКДОШЛАР

Республикамиз «оқ олтин» хирмонининг юксалишига пойтахт олий ўқув юртлари студентлари ҳам арзигулик ҳиссаларини қўшмоқдалар. Тошкент халқ хўжалиги институтининг 4 минг нафар талабаси Жиззах область Арнасой районидаги Юлиус Фучик, Ворошилов номли 14, 16-совхозлар далаларида ғайрат билан ишлаётирлар. Студент-ёшлар хирмонга 1500 тонна «оқ олтин» териб тўкдилар.

Институт факультетлари орасида ўзаро мусобақанинг авж олдирилиши ҳашарчи ёшлар ғайратини оширди. Бу беллашувда ҳисоб-иқтисод, қишлоқ хўжалик иқтисоди факультетлари талабалари голиб чиқишди.

А. Расулев, Қ. Ҳакимов, С. Кўрикбоева, Д. Азизова каби студентлар айниқса жонбозлик кўрсатмоқдалар. Киров районидаги ҳунар-техника билим юртлари эса Сирдарё область пахтакорларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Жумладан, 127 ҳунар-техника билим юртининг 500 кишилик коллективи «Рудский» совхози далаларида пахта термоқдалар.

— Ишларимиз 150 тонналик хирмон уйиш учун курашмоқдалар, — дейди билим юрти директори М. Юнусов.

Бўлажак чеварлар ўртасида Л. Петрова, А. Ханова, М. Асилбекова, С. Хожиметова кабилар ғайрат кўрсатмоқдалар.

129-ҳунар-техника билим юрти талабалари ҳам сирдарёликлар етиштирган «оқ олтин»ни йиғиб-териб олишда ғайрат кўрсатмоқдалар. Бу билим юрти коллективи ҳам мавсумда 150 тоннадан ортиқ пахта териб беришга азму-қарор қилганлар.

С. СУЛТОНОВ.

ОКТЯБРОЛДИ ЗАРБДОР ВАХТАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ САККИЗИНЧИ СЪЕЗДИГА

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни — республика ёзувчилари саккизинчи съезди қатнашчиларини ва сизлар орқали Ўзбекистон ССР-нинг барча адабиёт арбобларини астойдил, самимий табриклайди.

Сизларнинг съездингиз шонли даврда ўтмоқда. Совет халқи Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети, содиқ марксчи-ленинчи, замонамизнинг атоқли сиёсат ва давлат арбоби, ер юзидаги одамларнинг тинчлиги ва бахт-саодати учун тинимсиз, изчил курашчи ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси раҳбарлигида коммунизм қурилиши улуғвор программасини муваффақиятли амалга оширмоқда, жонажон Ленин партиясининг XXVI съездини мислсиз меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик вазнятида муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Барча совет кишилари КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми, СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси қарорларини, Леонид Ильич Брежневнинг Пленумда сўзлаган ва партия билан халқнинг жамиятимиз иқтисодий ва социал ривожи ҳозирги босқичидаги жанговар фаолият программаси баён этиб берилган чуқур мазмунли, ленинча доно нутқини зўр мамнуният билан кутиб олдилар ва яқинлик билан маъқулламоқдалар.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам коммунистларнинг улуғ анжуманини коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида катта ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Республика пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг тугалловчи йилида Ватанга 6 миллион тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топшириб, айниқса буюк муваффақиятга эришдилар.

Жамиятни иқтисодий ва социал сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда, совет кишисининг илмий дунёқарашини, актив ҳаётий позициясини, унинг маънавий эътиқодлари ва юксак маданиятини вояга етказишда адабиётнинг роли буюкдир. Умидворлик ва ҳаётбахш коммунистик ғоялар руҳи билан суғорилган совет адабиёти миллион-миллион кишилар учун ҳувонч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоғи, уларнинг хоҳиш-иродаси, ҳис-туйғулари ва фикрларини ифодалаши, уларни ғоявий бойитиш ва ахлоқий тарбиялаш воситаси бўлиб хизмат қилиши керак.

Еттинчи съезддан кейин ўтган давр ичида республика ёзувчилари ижодиётининг тематик доираси анча кенгайди, уларнинг бадиий маҳорати ўсди. Ўзбекистон адиблари халққа манзур бўлган кўпгина яхши романлар, киссалар, шеърлар, драматургия ва адабиётшунослик асарлари яратдилар. Ёзувчиларнинг ижодида замонавийлик мавзуи бош мавзу бўлиб қолди. Улар ўз асарларида социалистик воқелигимизни, совет кишиларининг меҳнатдаги жасоратларини, уларнинг бой маънавий дунёсини ва олижаноб муддаоларини, СССР халқларининг бузилмас дўстлигини, уларнинг илҳомбахш ватанпарварлиги ва пролетар интернационализмини теран ва ёрқин ифодалай бошладилар.

Анчагина иш қилинди, аммо қилинадиган ишлар ҳали кўп. Коммунистик партия сўз санъаткорларини улуғ ватанимизга муносиб асарлар яратишга, совет адабиётининг партиявийлиги ва халқчиллиги байроғини баланд кўтаришга даъват қилади.

Халқ турмуши билан алоқани мустаҳкамлаш, совет воқелигининг бойликлари ва хилма-хиллигини юксак бадиий воситалар орқали ҳаққоний ифодалаш, янги, чинакам коммунистик фазилатларни илҳом билан мароқли тасвирлаш ва жамиятимизнинг олға ҳаракатига халақит бераётган ҳамма иллатларни фош қилиб ташлаш — республика барча ёзувчиларининг энг муҳим ва масъулиятли вазифаларидир.

Халқ адиблардан замонамизнинг қаҳрамонларини — коммунизм бинокорларининг биринчи сафларида бораётган азаматларни тасвирловчи йирик бадиий асарлар кутмоқда. Ёзувчиларимиз совет халқи ишларининг улуғворлиги, дили ва орзу-умидларининг олий ҳимматлилигини, унинг коммунистлар улуғ ленинчи партияси теварагида метиндек жипслашганлигини кўрсатиб беришлари лозим.

Ягона ва бўлинмас совет адабиёти аввал бошданоқ кўп миллатли, кўп бўёқли ва кўп тилли адабиёт сифатида дунёга келди. Унинг ривожига асос қилиб олинган халқлар дўстлиги ва қардошлиги, пролетар интернационализмининг улуғ ғоялари бундан буён ҳам Ўзбекистон ёзувчиларининг асарларида чуқур тараннум этилмоғи керак.

Совет адабиёти ўзининг ғоявийлиги ва ҳаққўйлиги туфайли коммунистик онгликни шакллантириш ва ривожлантиришга жуда катта самарали таъсир ўтказмоқда. Республика ёзувчилари энг илғор ижодий метод бўлмиш социалистик реализм методини бундан буён ҳам баланд кўтариб боришлари, унинг принципларини ижодий ривожлантиришлари, уни турли-туман бўржуача ҳуруюлардан авайлаб асрашлари лозим.

Ўзбекистон адабиётини ривожлантиришда республика ёзувчилар союзининг роли катта. Союзнинг фаолияти юксак талабчанлик, принципиаллик ва халқ олдидаги гражданларча масъулият муҳити билан, яхши ният муҳити билан ажралиб туриши керак. Ёзувчиларнинг ғоявий-назарий ва профессионал маҳоратини ошириш тўғрисида доимо гамхўрлик қилиш, ёш адибларни меҳрибонлик билан тарбиялаш жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика ёзувчиларининг саккизинчи съезди самарали ишлашини тилайди ҳамда Ўзбекистон адиблари партия XXV съезди қарорларида ҳамда КПСС Марказий Комитетининг идеология масалаларига доир қарорларида совет ёзувчилари олдига қўйилган вазифаларни шараф билан бажарадилар, жонажон Ленин партиясининг XXVI съездини муносиб кутиб оладилар, кўп миллатли совет социалистик маданиятининг улуғ хазинасига бундан буён ҳам кўпроқ ҳисса қўшаверадилар, деб ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.





Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози ҳар йилгидек пахта тайёрлашда область хўжаликлари орасида карвонбошилик қилаётир. Шу кунгача ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 48 центнерга етди. Бунда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Санд Иброҳимов бошлиқ 50 центнерчи бригада коллективининг ҳам катта ҳиссаси бор. Суратда: С. Иброҳимов механик-ҳайдовчилар И. Муртазов ва М. Тўлагановлар билан. А. Мальцев фотоси.

ҒАЗАЛКЕНТ ГЭСи қурилиши жадал суръат билан давом этяпти. Дастлабки энергоблокни ишга туширишарафасида тайёргарлик қизғин олиб бориляпти. Суратда: комплекс бригаданинг пешқадам аъзолари Жалол Мирсантов ва Вячеслав Рудометов.

В. Сироткин фотоси.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҚЎШ ХУШХАБАР

● **КОММУНИСТИК. КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қарорларидан руҳланган «Ўзбекистон» колхози пахтакорлари йиғим-теримни уюшқоқлик билан давом эттириб катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. 1050 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 39,1 центнердан хирмон кўтарилиб, давлатга 4122 тонна пахта сотилди ва юксак социалистик мажбурият ортиги билан адо этилди.**

Коллектив ғалабасига дала гвардиячилари баракали ҳисса қўшишди, машина терими плани 118,4 процент бажарилди.

● ЧИНОЗ. Энгельс номли колхоз заршуносларя давлатга 3015 тонна «оқ олтин» сотиб социалистик мажбуриятларини бажардилар. Ҳосилдорлик пландаги 31,2 центнер ўрнига 36 центнерни ташкил этди.

АКА-УКА НУРОВЛАРНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

● ЎРТА ЧИРЧИҚ. Жамол Нуровнинг номи кейинги йилларда областимизнинг илғор механик-ҳайдовчилари қатори тилга олинаётир. Бу йил унинг ёнига Анвар Нуров ҳам қўшилди.

Ака-ука Нуровлар Ким Пен Ҳва номли колхоз пахтазорларида ёнма-ён меҳнат қилиб, ўз агрегатлари бункеридан 410 тонна дурдона тўкдилар. Бу мавсум бошида қабул қилган социалистик мажбуриятларидаги ҳам анча кўпдир.

● ЭНГЕЛЬС номли колхозда бу йил кўпмингкилограммчи чевар теримчилар сафи янада кенгайди. Беш кунликлар якунида бир неча марта мусобақа голиблари бўлган М. Умарова, М. Қўшинбоева, Г. Душаева, М. Кийикбоева сингари колхозчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Уларнинг ҳар бири шу кунгача колхоз хирмонига 8 тоннадан ошириб дурдона тўкдилар. Бу чевар теримчилар далалардаги ҳосилнинг сўнгги граммларини йиғиштириб олишда ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар.

ҒОЛИБЛИК БАЙРОҒИ ЕШЛАР ҚЎЛИДА

● **БЎКА. Район партия комитети дала механизаторларига ёрдамга келган ҳашарчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш билан бирга уларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаб бормоқда. Ғамхўрлик ва диққат-эътиборга жавобан ёрдамчилар ҳиммат кўрсатиб меҳнат қилишяпти.**

Район машиний хизмат кўрсатиш комбинатининг комсомол-ёшларидан тузилган «Чевар» зарбдор отряди аъзолари, айниқса, ғайрат кўрсатишяпти. Улар сўнгги беш кунликларда пешқадамликни қўлдан бермай, суруникасига тўрт марта райси кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар.

ПАРТИЯ БИЛАН, ХАЛҚ БИЛАН ҲАМИША ҲАМНАФАС

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ VIII СЪЕЗДИ

31 октябрь куни республика адиблари кейинги беш йил мобайнидаги ижодий фаолиятни якунлаш, КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги вазифаларни муҳокама қилиш учун Ўзларининг VIII съездига тўпландилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги» мавзуида ёзувчиларнинг Боку шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ конференцияси қатнашчиларига йўллаган табрикномасида таъкидлаб ўтганидек, кўп миллатли адабиётнинг ривожи мамлакатимиз меҳнаткашларининг коммунизм тантанаси йўлидаги кураши билан чамбарчас боғланган.

Адиблар ўз ижодиётига нисбатан: халқ турмушида сўз ва иш билан фаол қатнашишдан иборат энг катта партиявий талабни қўйганлар, бутун совет мамлакати адабиётининг ажралмас қисми бўлмиш Ўзбекистон адабиётининг асосий анъанаси ҳам мана шундай.

VIII съезд президиумида таниқли адиблар, қардош республикалардан келган меҳмонлар ўтиришибди. Президиумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Л. И. Греков, И. Б. Усмонхўжаев, Г. М. Орлов, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов, Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиги генерал-лейтенант В. С. Родин, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари В. М. Озеров, «Огонёк» журналининг бош редактори, ёзувчи А. В. Сафронов, ёзувчи Г. А. Бороник, машҳур шоир А. П. Межиров, қардош республикалар ёзувчилар союзларининг делегациялари, тараққийпарвар араб шоири Абдураҳмон ал-Ҳосимий бор эди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан съездингиг фахрий президиумига сайланади.

Мажлис аҳли Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг табрикномасини қарсаклар билан кутиб олади, табрикномани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов ўқиб эшиттиради.

Съездда республика ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшин доклад қилди.

Ўзбекистон адибларининг мамлакатдаги барча қардош республикалардаги ёзувчилар ташкилотлари билан, деб таъкидлади докладчи, анъанавий ижодий алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Биргаликда ишлаш, ҳар томонлама алоқалар, учрашувлар, мунозаралар жараёнида янги ёрқин асарлар вужудга келмоқда. СССР Ёзувчилар Союзи Ўзбекистон адибларига жуда катта ёрдам бермоқда.

Республикамиз ёзувчиларининг илҳомбахш меҳнати умумхалқ вазифаларини ҳал этишга, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий, аҳлоқий ва эстетик жиҳатдан тарбиялашдек олижаноб ишга самарали ҳисса бўлиб қўшилди. Ўзбекистон адиблари КПСС XXV съездн ва партия Марказий Комитети шундан кейинги пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини амалга ошира бориб, бир қанча салмоқли асарлар яратдилар.

Ш. Рашидовнинг янги таҳрирда нашр этилган «Голиблар» ва «Бўрондан кучли» романлари халқ турмушининг жонли манзарасини ранг-баранг ва ёрқин бўёқларда акс эттиради. Ўзбекистон ёзувчилари кенг ва хилма-хил мавзуларда қалам тебратмоқдалар. Ҳамид Ғуломнинг «Мирзачўл» романи қўриқ ерларни ўзлаштиришга бағишланганлиги, Мирмуҳсиннинг «Чотқол йўлбарси» романи гидроиншоотчиларнинг зарбдор меҳнатини тараннум этади. Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романи ҳозирги юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш проблемалари устидан баҳс юритади. Санд Аҳмаднинг драма асарлари, Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб», Пиримқул Қодировнинг «Олмос камар» асарлари замондошларимизга бағишланган.

Қисса жанридаги меҳнат мўл-кўл ҳосил берди. Китобхонлар Асқад Мухторнинг «Бўронларда бордек ҳаловат», Мақсуд Қориевнинг «Турналар баланд учади», Ўлмас Умарбековнинг «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» номли янги асарларига ва бошқа кўпгина муаллифларнинг қиссаларига яхши баҳо бердилар.

Тарих революцион проза жанрига қизиқарли китоблар қўшилди. Назир Сафаровнинг «Наврўз», Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик» романлари, ўрта Осиёда граждан урушини билган ва тадқиқотчиси Михаил Шевердининг «Жайхун» романи шундай асарлар жумласидан. Владимир Липконинг «Сенинг зафаринг» романи Тошкентдаги революцион воқеаларга бағишланган.

Ўзбекистон адабиётида Улуғ Ватан уруши мавзуи катта ўрин эгаллайди. Борис Пармузининнинг «Бегона шамоллар қаҳри» романхроникасини, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Борис Тихомоловнинг хотира китобларини, Иброҳим Раҳим, Вали Ғафуровнинг романларини китобхонлар зўр қизиқиш билан кутиб олишди.

Зулфия, Рамз Бобожон, Уйғун, Абдулла Орипов, Барот Бойқобилов, Омон Матчон, Ҳалима Худойбердиева, Гулчеҳра Нуруллаева шу йиллар мобайнида совет поэзиясига янги сатрлар киритдилар.

Докладчи икки идеология, икки дунёқарашнинг муросасиз кураши кучайиб бораётган ҳозирги халқаро вазиятда ёзувчилар ижодининг аҳамиятига тўхталиб ўтди. Совет, шу жумладан ўзбек адабиёти ҳам инсонпарварлик ва тараққиётнинг порлоқ идеалларини жаҳонга ёймоқда, планета халқларини тинчликка, тенглик ва адолат учун курашга даъват этмоқда. Совет адиблари ҳамиша тараққийпарвар фикрдаги адибларнинг биринчи сафида бўлиб келганлар. Чунончи ёзувчиларнинг ташаббуси билан Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг I конференцияси ,яна бир неча йилдан кейин эса шу конференциянинг 20 йиллигига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Шу учрашувларда эълон қилинган тинчлик, демократия, социал тараққиётга интилувчи адибларнинг халқаро ҳамкорлиги ғоялари бутун дунёда акс-садо берди. Ўзбекистон пойтахтида Осиё ва Африка ёш адибларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди.

Докладчи Совет Ўзбекистони адиблари бундан буён ҳам ўзларининг бутун истеъдодларя ва ғайратларини Ленин партияси ишига сарфлайверадилар, бутун совет халқи билан биргаликда коммунизм сари зафарли одим ташлаб, одамларни янги-янги ғалабаларга руҳлантираверадилар, деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон ёзувчилар союзи ревизия комиссиясининг раиси Ўткир Рашид комиссия номидан доклад қилди.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ)

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИГИ И. Қ. МУСАБОЕВНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Медицина фанини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Исоқ Қурбонович **Мусабоев Октябрь Революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Советн Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Советн Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1980 йил, 30 октябрь.

БАЙРОҚДОР ЦЕХНИНГ БАЙРАМГА СОВҒАСИ

ОҲАНГАРОНДАГИ дон маҳсулотлари комбинатида ун ва омихта ем ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотлар тайёр ҳолга келгунча бир неча цехда юзлаб ишчиларнинг қўлидан ўтади.

Элеватор цехида меҳнат симфонияси авжида. Машиналар шовқини ҳамма ёқни тутган. Бир маромда айланиб турган узун лентали транспортёрлар ишлов берилган буғдойни бошқа цехларга тўхтовсиз ўтказиб турибди.

— Бир сменада комбинатимиздаги ҳар икки тегирмон цехига 350-400 тонналаб, омихта ем цехига эса 650-700 тонна хомашё етказиб берямиз, — деди цех бошлиғи Сайдулла Тўрақулов транспортёрлар томон ишора қилиб. — Бу доналар эса қардош Қозогистон ҳамда Белоруссиядан, Самарқанд областидан келтирилган.

Транспортёрлар ёнида бугдой ўтишини кузатиб турган смена мастери Ақида Тойлиева суҳбатга қўшилди:

— Кунига 10-12 вагон дон қабул қилиб олямиз, — деди у. — Бугун 900 тонна хомашё қабул қилдик. Бу эса нормадагидан 200 тонна кўп демакдир. Смена топшириқларининг муntазам ошириб бажарилишида Сафарой Раҳмонова, Мақсуда Мухторова, Венера Син, Енсул Ким каби пешқадам ишчиларнинг ҳиссаси салмоқли бўляпти. Ана шу пешқадамларимизнинг зарбдор меҳнати туфайли мусобақада илғорликни қўлдан бермаяпмиз. Ўтган икки кварталда ҳам мунтазам голиб чиқиб, комбинат кўчма вимпелини ўзимизда сақлаб қолдик.

Комбинат коллективи якунловчи йилнинг ўтган тўққиз ойида пландагидан ташқари 2 миллион 539 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Сентябрь ойида эса планга қўшимча 60 тонна ун ва 57 тонна омихта ем ишлаб чиқарилди. Айни кунларда барча резерв ва имкониятлар КПСС XXVI съезди шарафига олинган юксак социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажаришга қаратилмоқда.

К. АДИНАЕВ.

ТАШАББУС ИЗИДАН

ТАШАББУС

КПСС XXV съезди материалларида мамлакатимизни ўнинчи беш йилликда янада ривожлантириш программаси аниқлаб берилган. Бу муҳим ҳужжатда халқ депутатлари Советларининг роли ниҳоятда ўсиб бораётганлиги таъкидланиб, экономика ва маданиятни тез суръатлар билан ривожлантириш, кенг халқ истеъмоли молларини кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш, умуман маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнаткашлар учун барча маданий-маиший шароитларни яратиб беришга даъват этилган. Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Совети, унинг ижроия комитети, доимий комиссиялари КПСС XXV съезди ҳамда партия-ҳукуматимиз қабул қилган кейинги қарор ва кўрсатмаларини қатъият ва изчиллик билан амалга ошириб келяпти.

Ўнинчи беш йилликда мамлакат олдига жуда катта масалалар қўйилганини кўрган янгийўлликлар «Қолоқларсиз, самарали ва сифатли ишлаш» ватанпарварлик ташаббуси билан чиққан эдилар.

Ташаббуснинг аҳамияти ҳар бир меҳнат кишисига тушунтирилди. Ташкилий-тарбиявий ишлар ҳар қачонгидан ҳам кенг қулоч ёйди. Бунинг натижасида мавжур ҳаракат оммавий тус олди. Саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, қатор коллективлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Ҳар бир корхона, ташкилот ҳаётида кескин ўзгаришлар юз берди. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тез ўсди.

Мажбурият бўйича беш йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини муддатидан илгари 1980 йилнинг 28 ноябригача бажариш кўзда тутилган эди. Пландан ташқари 36,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, меҳнат унумдорлигининг ҳар йилги ўсишини планга нисбатан 6 процентга оширишга аҳд қилган эдик. Бунинг учун илғор технологияни кенг қўлладик. Ишлаб чиқаришни фан ва техника ютуқлари билан қуроллантирдик, кадрларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор берилди.

Шаҳар Совети депутатларининг ана шу катта ишларни амалга оширишда авангардлигини таъминлаш учун курашди. Халқ вакиллари ишлаб чиқаришда намуна кўрсатиш билан бирга меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашда ташкилотчилик кўрсатдилар.

XVII чақириқ Халқ депутатлари шаҳар Советига 175 депутат сайланган. Улардан 83 нафари коммунистдир. Шаҳар Советининг депутатларидан 90 киши бевосита ишлаб чиқаришда меҳнат қилади.

Депутатлар бутун билимлари ва ғайратларини ишлаб чиқаришни юксалтириш, моддий фаровонликни оширишга сарфламоқдалар. Уларнинг кўпчилиги ёшлар устози, рационализаторлар, актив жамоатчилардир. Улар маҳсулот сифатини яхшилаш, иш вақтидан, хомашё ва бошқа материаллардан унумли, тежаб-тергаб фойдаланиш, меҳнат интизомини яхшилашда ҳаммага намуна бўляптилар.

Пойафзал фабрикасининг ишчиси, шаҳар Советининг депутати Орзихон Икматова меҳнатда шон-шараф қозонмоқда. У оширилган мажбурият қабул қилиб, кунлик нормасини 180—200 процентга етказиб адо этмоқда. Шу билан бирга жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. У икки беш йиллик топшириғини шараф билан адо этиб, ҳозир 1986 йилнинг август ойи ҳисобига меҳнат қиляпти.

Шаҳримиздаги жуда кўп ишчи ва хизматчилар Орзихон Икматованинг изидан бориб, янгидан-янги зафарларга эришмоқдалар. Масалан, пойафзал фабрикасидан Д. Ҳатамқулова, М. Мамутова, Л. Иванова, С. Шокирова каби бичиқчилар КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача 3 минг квадрат дециметр тери иқтисод қилиш ташаббуси билан чиққан эдилар. Корхонада 60 нафар ишчи ана шу ташаббусга қўшилди. Умуман фабрика аҳли КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача 860 минг квадрат дециметр терини иқтисод қилиб қолишга азму-қарор қилган.

Фабрикада республика ишчи маҳорати конкурсининг голиблари К. Комаров ва М. Антиповнинг илғор тажрибаси кенг қўлланмоқда. Коммунистик меҳнат мактабида 50 бичиқчи ана шу методни ўзлаштирди.

Корхонада пайдо бўлган янги ташаббуслар, илғор тажрибалар тез орада ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият берилаётганлигидан далолат беради.

Шаҳар Совети депутатларининг кўпчилиги «Беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажарамиз», «КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз» ташаббусларининг бошловчиларидир. Шаҳар Советининг депутатлари, мебель фабрикасининг ишчиси Х. Неъматова, пойафзал фабрикасининг ишчилари М. Иброҳимова, Л. Обидовалар КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача 1981 йил топшириғини ҳам бажариш учун қизғин меҳнат қилмоқдалар.

Шаҳар Советининг депутатларидан 18 киши ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот топшираяпти. 70 депутат эса КПСС XXVI съезди шарафига оширилган социалистик мажбуриятни олган. Депутатларнинг ишлаб чиқаришда кўрсатаётган юксак меҳнат кўрсаткичлари, жамоат ишларидаги активликлари ҳақида яна қатор мисоллар келтириш мумкин.

Шаҳар ижроия комитети депутатларнинг ишлаб чиқаришдаги жанговарлигини таъминлашга, халқ наказларини тез ва соз бажарилишига эришаяпти. Ҳар икки ойда навбатма-навбат бирор корхонада «Депутатлар куни» ўтказилмоқда. Унда депутатлар қонунчиликни ўрганадилар, ишлаб чиқариш билан танишадилар. Шу билан бир қаторда илғор тажрибалар билан ўртоқлашадилар.

Депутатларнинг активлигини кун сайин ошириб бориш мақсадида сессияларда, шаҳар Советининг партия группаси йиғилишида, сайловчилар ҳузурида уларнинг ахборотларн тинглаб борилади. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилади ва конкрет тадбирлар белгиланади. Шубҳасиз, булар шаҳримиз ишлаб чиқаришини юксалтиришда, маданий-маиший ишларни яхши йўлга қўйишда ўз аксини топмоқда. Беш йилликнинг ўтган даври ичида пландан ташқари 34 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Кенг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар техника даражасини ўстиришга алоҳида эътибор берилди. 1979 йилнинг ўзида 3,4 миллион сўмлик, умуман беш йиллик ичида 29,8 миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондлари ишга туширилди.

Шаҳардаги 6 корхонада 80 хил маҳсулот давлат Сифат белгиси ва олий категория билан ишлаб чиқарилаяпти. Бу эса 1975 йилга нисбатан 25 баробар кўп демакдир.

Бундай тадбирларни амалга ошириш янгидан-янги зафар марраларига олиб келяпти. СССР Конституциясининг уч йиллик юбилейи кунини 4 корхона, 12 цех, 30 бригада, 4 минг нафардан кўп ишлаб чиқариш илғори беш йиллик топшириқни эрта бажариб кутиб олишга муяссар бўлди.

Беш йиллик даврида шаҳримиз меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича республика социалистик мусобақасининг якунига кўра, халқ хўжалик планларини муваффақиятли бажарганлиги учун тўрт марта Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ва дипломлари билан тақдирланди.

Шаҳарда капитал қурилиш ва ободонлаштириш ишига ҳам жуда катта диққат ва эътибор билан қаралмоқда. Ана шу беш йилликнинг ўзида 32 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди ва 70 минг квадрат метр турар-жой фойдаланишга топширилди. Ободончилик ишлари учун 2,5 миллион сўм сарфланди. 1816 ўқувчига мўлжалланган иккита мактаб, 420 жажжи гражданлар учун иккита болалар боғчаси, коммунистик шанбаликда тушган маблағ ҳисобига 250 беморни қабул қила олувчи даволаш муассасалари ва болалар шифохонаси бунёд этилди.

Ҳўжалик ва қурилиш масалаларини ҳал этишда, қолоқларсиз ишлаш ташаббусини янада оммавийлаштиришда сессияларнинг ролини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ишда доимий комиссиялар ва депутатлар группалари жанговарлик кўрсатмоқдалар. Улар томонидан тузилган планлар шаҳар Советининг сессияларида тасдиқланиб, изчил амалга оширияпти.

Кейинги йилларда кенг халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида меҳнат интизоми, турар-жой ва коммунал-маиший аҳамиятга эга қурилишларни тезлаштириш, шаҳар аҳолисига медицина хизмати ва социал таъминотни янада яхшилаш ҳақида ва бошқа масалалар сессияларда кўриб чиқилди.

Шаҳар Советининг доимий комиссиялари, депутатлар группалари ва ижроия комитет ҳузуридаги комиссиялар сессияларда депутатлар томонидан билдирилган танқидий мулоҳазаларни умумлаштириб ижроия комитет йиғилишларида кўриб чиқишга тавсия этмоқда.

Шаҳар ижроия комитети халқ наказларининг ўз муддатида бажарилишини назорат қиляпти. Билдирилган мулоҳазалар, таклифлар депутатлар томонидан ижроия комитет йиғилишлари кун тартибига қўйилади, айримлари эса бўлимларда кўриб чиқилади. Шаҳар ва область Совети депутатларига 60 наказ тушган бўлса, ҳозиргача 30 дан ортиғи ниҳоясига етказилди. Ишлаб чиқаришда қатор ўзгаришлар юз берди, шаҳар аҳолисини газ, сув билан таъминлашда ва бошқа ишларда жуда кўп имкониятлар яратиб берилди.

Шу кунларда ташаббускор янгийўлликлар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини ишлаб чиқаришда юксак меҳнат совғалари ва жамоат ишларида активлик билан кутиб олиш учун қурашмоқда. Деярлик ҳар куни саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва бошқа муассасалардан галаба рапортлари келиб турибди. Бу эришилаётган зафарларнинг ҳаммаси партия ва ҳукуматимизнинг сиёсати халқ томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланаётганлиги мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланишини белгилаб берувчи анжуман очиладиган кунни муносиб совғалар билан кутилаётганлигидан далолатдир.

А. АНОРҚУЛОВ,
халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.



ҲАСАН Раҳмонқулов «Ташавтоматика» заводида узоқ йиллардан бери фидокорона меҳнат қилиб келяпти. У пешқадам ишчи бўлиш билан бирга ёшларнинг моҳир мураббийси сифатида ҳам танилган. Ҳ. Раҳмонқулов КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун зиммасига оширилган мажбурият олиб ишламоқда. Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

УЛУҒ АЙЁМ ШАРАФИГА

Республикамиз пойтахтидаги булка-кондитер комбинати ишчи-хизматчилари меҳнаткашларнинг кундалик дастурхони учун турли-туман нон маҳсулотлари, ширинликлар, шарқ қандолатларини ишлаб чиқармоқдалар. Ҳар куни ўнлаб тонна шундай озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериляпти. Комбинат коллективи ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар қачонгидан ҳам самарали ишламоқда. Давлат планлари ой сайин эшёдаси билан адо этиляпти. Маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштиришда ҳам дуруст ютуқларга эришилмоқда.

Коллектив эришаётган муваффақиятларга қатор цехлар ишчи-хизматчилари салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, кондитер ва макарон ишлаб чиқарищи меҳнат аҳлининг улуши баракали бўляпти. Социалистик мусобақада кўпинча пешқадамлик қилаётган бу бўлинмалар ишчилари ҳар куни топшириққа қўшимча маҳсулот бермоқдалар. Улар ўнинчи беш йиллик топшириғини корхонада биринчи бўлиб бажаришди. Ҳозиргача эса ўн биринчи беш йиллик ҳисобидан кўплаб ширинликлар ва макарон маҳсулотлари тайёрладилар.

Корхонада давом этаётган социалистик мусобақада илғор ишлаб чиқариш ташаббуслари кенг ёйиляпти. Сменалар, бригадалар коллективлари, айрим ишчи-хизматчилар юксак марраларни белгилаб ишлашмоқда. Айниқса, Нина Малеванинг раҳбарлик қилаётган смена коллективининг кўрсаткичлари яхши бўлмоқда. Корхонада биринчилар қатори коммунистик меҳнат коллективи номини олган бу смена ишчи-хизматчилари сменалараро мусобақада кўпинча мукофотли ўринни эгалламоқдалар. Улар топшириқни 115 процент ва ундан ҳам ошириб бажаришяпти. Коллектив меҳнат каленларида ўн биринчи беш йиллик бошланганига бир неча ой бўлди.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, КПСС аъзоси Бэҳром Акромов раҳбарлик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси ҳақида ҳам фақат мақтов сўзлари айтиш мумкин. Коммунистик меҳнат бригадаси деган юксак номни бир неча йилдан бери шараф билан оқлаб келаётган бу аҳил ва иноқ коллективнинг ўртача иш кўрсаткичлари 120 процентни ташкил этмоқда.

Комбинатнинг Ш. Мирзалимова, Л. Картюшова, М. Попова, Р. Зокиров, С. Исаев каби ўнлаб қандолатчилари, қадоқловчилари меҳнатда касбдошларига намуна бўлмоқдалар. Уларнинг ҳар бири нормани 1,5 баравар атрофида бажаришяпти.

М. МАҲМУДОВ.

КАСБ ЎЗГАРТИРИШДИ

Тошкент абразив комбинатининг тайёрлаш участкаси ишчилари касбини ўзгартиришди — улар оператор бўлиб қолишди.

Бўлғуси пардозтош ёки қайроқтош учун «хамир» тайёрлаш осон иш эмас. Пардоз қум, оташбардош лой, сув ва бошқа компонентларни аниқ белгиланган миқдорда қориштирмоқ керак. Шу сермеҳнат иш илгари қўлда бажарилар ва бу кўпинча чиқитга сабаб бўлар эди. Чунки баъзан технологик жараён бузиларди.

Участкада ўрнатилган янги автомат линиялар қўл меҳнатига тамомила барҳам берди, оператор икки ҳиссса кўп иш бажара бошлади. Шу билан бирга автоматика массада қориштириладиган ҳамма модлалар дозаси аниқ ва пировард маҳсулот—абразив асбоб сифатли бўлишига кафолат беради.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

СЕКРЕТАРЛАР СЕМИНАРИ

Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг мажлислар залида корхона, колхоз ва совхозлар бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинари бўлиб ўтди. Семинарда район партия комитети ташкилий ишлар бўлимининг мудири С. Шерматов бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларининг бориши тўғрисида ахборот берди.

Шундан сўнг КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорлари, СССР Олий Совети сессияси материалларини омма ўртасида кенг пропаганда қилиш соҳасидаги вазифалар белгилаб олинди. Бу масала юзасидан район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири Ю. Оймирзаев сўзга чиқди.

Семинарда ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий ишларни яхшилаш, хўжаликка партия раҳбарлигини такомиллаштириш бўйича тўпланган тажрибалар ўзаро ўртоқлашилди. Айниқса, «Партия XXII съезди» колхози партия ташкилотининг секретари З. Мўминов, Чирчиқ ғалла қабул қилиш корхонаси бошланғич партия ташкилотининг секретари Г. Хе ўртоқларнинг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди.

ҲАРАКАТДАГИ СОСТАВЛАР САМАРАДОР БЎЛСИН

Ҳамза темирйўл станцияси коллективи халқ хўжалиги юкларини манзилга ўз вақтида етказиб беришда маълум ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўтган давр мобайнида резервлардан унумли фойдаланиш туфайли вагонларнинг бекор туриб қолиши нормадагидан беш процент қисқарди, 55 минг вагон-соат тежалди.

Коммунистлар, станция бўлинмалари ходимлари ўртасида олиб борилаётган катта сиёсий-тарбиявий ишлар ўз самараларини бермоқда. 23 киши коммунистик меҳнат зарбдори унвонига сазовор бўлган. Коллектив Селор станцияси коллективи билан мусобақадошдир. Мусобақа давомида туғилаётган ташаббуслар ҳар иккала коллективда кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Лекин шунга қарамай юкларни сақлашда, кирпш йўлларида вагонлар оборотини тезлаштиришда ҳамон бир қатор нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Вагонлар ва локомотивлар унумдорлигини ошириш бўйича топширицлар бажарилмай қоляпти. Партия ташкилоти темирйўл транспорти кадрлари малакасини ошириш, ҳаракатдаги составлар, техника воситаларидан унумли фойдаланиш бўйича зарур чораларни кўрмаяпти. Ленинн район партия комитети бюросида бу масала муҳокама қилиниб, Ҳамза темирйўл станцияси партия ташкилоти олдига муҳим вазифалар қўйилди.

ХИЗМАТ МАДАНИЯТИНИ ОШИРАЙЛИК

Янгийўл район савдо, умумий овқатланиш, маиший ва медицина хизматн кўрсатиш муассасаларн бошланғич партия ташкилотлари аҳолига кўрсатилаётган хизмат маданиятини ошириш бўйича маълум ишларни қилмоқдалар. Кейинги йилларда корхона ва муассасалар моддий-техника базаси мустаҳкамланди, янги ускуналар билан жиҳозланди, прогрессив иш формалари жорий этилди. Магазинларнинг ярмидан кўпрогида савдонинг ўз-ўзига хизмат формаси қўлланилмоқда.

Айниқса ҳозирги долзарб кунларда савдо, медицина ходимлари кўрсатаётган хизмат кўлами яна ҳам кенгайган. Автолавкалар бевосита дала бошида бўлиб, пахтакорларга хизмат қиляпти. Медицина ва маиший хизмат кўрсатиш ходимлари график бўйича пахтакорлар ҳузурида бўлмоқдалар.

Кўрилаётган тадбирлар туфайли беш йиллик бошидан бери товар оборотн 31 процент ошди, аҳоли жон бошига кўрсатилаётган маиший хизмат ҳажми 2,2 марта кенгайди.

Янгийўл район партия комитетининг бўлиб ўтган бюро мажлисида медицина, савдо, маиший хизмат, умумий овқатланиш корхоналари ходимлари бажараётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди. Ютуқлар таъкидланиб, бундан буён бажаришни лозим бўлган вазифалар кўрсатиб ўтилди. Бюрода таъкидланганидек, меҳнаткашларга хизмат кўрсатишда ҳали ҳам бир қатор нуқсонлар бор. Кадрлар ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараётганликлари учун ҳам аҳолидан кўплаб шикоятлар тушмоқда. Партия ташкилотлари бу соҳадаги ишларни намунали йўлга қўйишлари, кадрларга нисбатан талабчанликни янада оширишлари, зарур чора ва тадбирларни кўришлари керак.

СЪЕЗДДАН—СЪЕЗДГАЧА

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

ҲАШАРЧИЛАР ҲИММАТИ

Бўка район пахтакорлари областимизда биринчи бўлиб йиллик планни, республикада биринчи бўлиб эса социалистик мажбуриятни адо этдилар. Улар уйғун «оқ олтин» хирмони 80 минг тоннадан ошиб қолди.

Бу хирмонларни яратишда Оржоникидзе райони ишчилари ва сохибкорлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Районнинг минглаб меҳнаткашлари ҳозир Бўка пахтакорларида жавлон урмоқдалар. Улар қўли билан 4 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» териб олишди.

Оржоникидзе район «КОММУНИЗМ ТОНГИ» ва Бўка район «ПАХТАКОРЛАР ОВОЗИ» газеталарининг навбатдаги қўшма сони ҳашарчилар жасоратига бағишланди. Оржоникидзе район партия комитетининг иккинчи секретари В. Лозицкий, хўжалик рўзғор буюмлари фабрикаси ишчиси Д. Мусаев, Бўка район Фрунзе номли колхоз раиси Ғ. Ботиров ва бошқа ўртоқларнинг мақолаларида ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатлик туфайли эришилаётган ютуқлар мадҳ этилди. Қўшма сонда берилган фотосуратларда эса юксак хирмон яратишда жонбозлик кўрсатаётган азаматлар ифодаланган. Ҳар иккала газета шу долзарб дамларда пахта учун умумхалқ курашини ўз саҳифаларида тўлақонли ёритиб кўпчилик таҳсинига сазовор бўлмоқда.

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИДА

БУГУНГИ ТАЛАБА—ЭРТАГА ИШЧИ

Ҳозирги кунда ҳунар-техника таълимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Жойлардаги ҳунар-техника билим юртларини муваффақиятли тугатаётган кўплаб ёшлар ўз мутахассисликлари бўйича ишлаб чиқариш жабҳаларида активлик кўрсатишмоқда. Буни биргина Бекобод райони мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1977 йил 8 сентябрдаги қароридан сўнг райондаги А. Мавлонов номли совхоз 158-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти ташкил этилган эди. Ўтган уч йил мобайнида бу кенжа билим даргоҳида халқ хўжалиги учун 800 дан ортиқ мутахассис кадрлар тайёрланди. Улар район колхоз ва совхозларида самарали меҳнат қилишмоқда.

Билим юрти йил сайин кенгайиб бормоқда. Дастлабки йили фақат 6 ойлик механизаторлар тайёрлаш курси мавжуд бўлиб, унн 155 киши битириб чиққан бўлса, 1978—1979 ўқув йилида 3 та мутахассислик бўйича бир йиллик ва олти ойлик курслар очилиб, уларда 301 киши таълим олди. Ўтган ўқув йили давомида эса ана шу қисқа курслар билан бир қаторда 3 йиллик группалар ҳам ташкил қилинди.

Маълумки, талабаларнинг пухта билим олишлари, севган касблари сир-асрорларини яхши ўзлаштириб боришларида ўқув моддий-техника базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам билим юртида бу ишга жиддий эътибор билан қаралмоқда. Зарур ўқув қуроллари, макет ва моделлар билан жиҳозланган 8 та фан ва техника кабинетлари, 24 та турли маркадаги техника воситалари, 45 та тикув машинаси талабалар ихтиёрида. Уларга А. Эшбоев, М. Мингбоев, С. Аберқулов сингари 25 нафар ўқитувчи ва ўз ишининг усталари ҳунар ўргатишмоқда.

Билим юртига малакали педагоглар кўплаб юборилаяпти. Бу ишда район халқ маорифи бўлими катта ёрдам бераяпти. Ўтган йили олий маълумотга эга бўлган 3 ўқитувчи бу ерга жўнатилди. Шу тариқа билим юртида дарс бераётган умумий ва техника таълимоти бўйича олий маълумотли ўқитувчилар сони 8 кишига етказилди. Бу ўз ўрнида таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйилишида ижобий самара берди. Билим юртини 350 киши муваффақиятли тугаллади. Ўлардан 209 киши механизаторлик, 121 киши тикувчилик, 20 киши эса қишлоқ қурилиши мастери гувоҳномасини олдилар. Ўқишни аъло даражада тугаллаган 8 кишига олий ўқув юрти ва техникумларга кириш учун йўлланмалар берилди.

Билим юрти коллективи янги ўқув йилини пухта тайёргарлик кўрган ҳолда бошлаб юборди. Бу даргоҳнинг ўрта қишлоқ ҳунар-техника билим юртига айлантирилиши коллективни янада руҳлантириб юборди. Шунга мувофиқ янги ўқув йилида техника билим юрти программасига бир қатор ўзгартишлар киритилди.

— Янги ўқув йилининг дастлабки кунлариданоқ талабалар билан қизғин машғулотлар бошлаб юборилди, — дейди билим юрти директори Ҳ. Шербоев. — Талабалар дарс жараёнида олган назарий билимларини амалий машғулот ўтказиш майдончаларида ҳамда техника кабинетларида мустаҳкамлаб бормоқдалар. Шу мақсадда ажратилган қишлоқ хўжалиги машиналари, тракторлар, қишлоқ қурилиши мастерлиги, тикувчилик цехлари, эстетика ва бошланғич ҳарбий таълим кабинетлари улар хизматида. Талабалар кийим-бош, стипендия, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланишади. Бундан ташқари уларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш мақсадида қутубхона, спорт зали ишлаб турибди. Ётоқхонада радио эшитиб, телекўрсатувларни томоша қилиш, шахмат-шашка ўйнаб ҳордиқ чиқариш мумкин. Янги ўқув йили бошланиши арафасида бўлган партия йиғилишимизда қилинажак ишларимиз ҳақида батафсил келишиб олдик. Жумладан, ўқувчилар ўзлаштиришини 100 процентга етказиб ўқув-тарбия ишларини янада юқори поғонага кўтарамиз. Касб-ҳунарга оид 4 та стенд ташкил қилиб, 7 та тўгарак тузамиз. Республика қишлоқ шаҳарларига экскурсиялар уюштириш, меҳнат ва уруш ветеранлари, мактаб ўқувчилари билан учрашувлар, китобхонлар конференцияси ўтказиш ишларини янада ривожлантирамиз. Бу ишларни амалга оширишда комсомол комитети ва кутубхоначилар бизга актив ёрдам беришади.

Ҳа, эндиликда касб-ҳунар эгаллаб ишчилар сафига қўшилиш, эл бойлигига бойлик қўшиш йўлида ҳалол меҳнат қилиш ҳар бир ёшнинг пировард мақсадига айланиб қолган. Бу борада ҳунар-техника билим юртлари уларга катта ёрдам беради. Дарвоқе, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Эртанги кун ишчилар синфи ҳунар-техника билим юртларида ўқиб, камол топмоқда» деган сўзлари фикримизнинг ёркин далилидир.

А. ҲАЙДАРОВ.





ТОШКЕНТДАГИ тажриба-ниплакалашлик фабрикасида Совет Иттифоқининг қатор республикаларидан пилла намуналари келтирилиб, уларнинг сорти ва сифати аниқланади. Суратларда: коммунистик меҳнат зарбдори Вазирахон Акбарова йигирма йилдан буён шу корхонада меҳнат қилиб келаяпти. Энёда Раҳматуллаева (ўнгда) ҳам шахсий меҳнат беллашувининг олдинги сафида бормоқда.

И. Глауберзон фотолари.

МУЗИКА МАКТАБИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Бўстонлиқ районининг музика ихлосмандлари яқинда қурувчилардан съездолди туҳфасини олдилар. «Ташэнергострой» қурилиш-монтаж бошқармасининг қўли гул бунёдкорлари 300 ўринли замонавий музика мактабини қуриб битказишди.

Газалкент шаҳридаги Чайковский номли 1-музика мактабининг бу янги биносида ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Икки қаватли эшик ва деразалар, махсус қопламалар тўшалган полли кабинетлар айнан музика мактаблари учун қулай воситадир. Бундан ташқари, мактабда 360 ўринли концерт зали, буфет, ошхона ва музика асбоблари сақланадиган махсус хоналар ҳам мавжуд.

И. ПИРМЕТОВ.

КЕЛГУСИ ЙИЛ МЎЛ ҲОСИЛИ УЧУН

ОБЛАСТЬ партия ташкилотлари, совет, қишлоқ хўжалик органлари, дала механизаторлари КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини амалга ошира бориб ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан эртаки ва мўл ҳосил етиштиришга пухта замин яратиш имконини беради.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети колхоз ва совхозларда 1981 йил ҳосили учун кузги шудгорни ўз вақтида сифатли амалга оширишга, совхозларни ва бошқа давлат хўжаликлари ҳамда районлари ўртасида социалистик мусобақа уюштиришга қарор қилдилар.

Ҳайдов тракторларидан самарали фойдаланиш, кузги шудгорда юксак суръатларга эришишда юқори кўрсаткичларни қўлга киритган илғор хўжалик ва районларни рағбатлантириш учун область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг тўртта кўчма Қизил байроғи таъсис этилди. Шу жумладан:

пахтакор районлар учун — битта;

сабзаворкор районлар учун — битта;

колхозлар учун — битта;

совхозлар (ҳамма системадаги) учун — битта.

Кўчма Қизил байроқларни бериш билан бир вақтда кузги шудгорда қатнашаётган илғор механизаторларга сотиш учун битта енгил автомашина ажратилади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетлари, район комсомол комитетларига социалистик мусобақа натижаларини 6 ноябрдан бошлаб ҳар беш кунда якунлаб бориш топширилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташсадвинсовхоз» трести, «Ташоблсельхозтехника» бирлашмаси, «Ташоблсельхозхимия» хўжаликларининг раҳбарлари, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилди:

кузги шудгорни қисқа муддатларда сифатли ўтказиш мақсадида мавжуд барча ҳайдов тракторлари ва бошқа техника воситаларини зудлик билан ишга сафарбар этиш ва улардан юксак самарали фойдаланиш;

хўжаликларга зарур миқдордаги минерал ўғитларни, гербицид, химиявий препаратлар, эҳтиёт қисмлар ва ремонт материалларини ўз вақтида ташиб келтиришни уюштириш;

кузги шудгор ишлари билан банд бўлган механизаторларга юксак унум билан ишлашлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш;

ҳар бир хўжаликда ҳайдов тракторларидан юксак унум билан фойдаланиш учун таъсирчан социалистик мусобақани ташкил этиш, уларни смена нормаларини тўла ва оширib бажарганликлари ҳамда шудгорни сифатли ўтказганликлари учун моддий ва маънавий рағбатлантириш юзасидан конкрет чоралар белгилаш.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари, область телевидение ва радио эшиттириш бош редакцияларига илғор механизаторлар, хўжаликлар ва районларнинг 1981 йил ҳосили учун кузги шудгорни ўз вақтида сифатли ўтказиш соҳасидаги иш тажрибаларини кенг ёритиб бориш топширилди.

КАМАРБАСТА

БОСИТ ҲАЛИЛ — 70 ЁШДА



Суратлар... «Улар Ватан учун жанг қилдилар» деган сўзлар ёзилган фронтчи ветеран қалам соҳибларининг суратлари... Узбекистон ёзувчилар союзи биносига қадам қўйган ҳар бир киши бу табаррук сўз уставларни нигоҳига кўз ташлаб ўтади. Улар орасида Бугун ўзининг табаррук 70 йиллигини нишонлаётган таниқли драматург, моҳир журналист Босит Халилнинг ҳам суратн бор.

Бу суратга қараб, Босит Халилнинг бундан қирқ йил аввал Ҳамид Ғулом билан бирга «Шерали» деган пьеса ёзганлиги ёдимга келди. Пьесага Ватан мудофааси мавзун асос қилиб олинган эди. Совет кишиларининг она-Ватан чегаралари дахлсизлиги, хавфсизлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётганликлари, Ватан олдидаги бурчларини унутмасликлари тараннум этилган эди бу асарда.

Ватан тақдирини ўз тақдири деб билган Босит Халил Улуғ Ватан уруши бошланиши билан фронтга отланди. 1942 йил ёзида 90-зенит-артиллерия полкида аввал оддий тўпчи, кейин сержант, пост бошлиғи бўлиб, фашист босқинчиларга қарши жангларда актив қатнашди. Москва, Калинин областлари шаҳарларини, муҳим мудофаа жойларини душманнинг ҳаво ҳужумларидан ҳимоя қилди. Сўнг ғарбий областларимизни, шунингдек, Польшани ғитлерчи босқинчилардан озод қилишда мардонавор курашди. Оташли майдонларда қаттиқ қаршилик кўрсатган душман тўдаларини тор-мор қилишда намуна кўрсатганлиги учун жанговар медаллар билан мукофотланди. 1945 йил кузида у Ватан олдидаги муқаддас бурчини шараф билан бажариб, Тошкентга қайтди. Тинч ижодий ишини, осойишта меҳнат фаолиятини давом эттирди.

Босит Халилнинг ҳаёти ва ижодий йўлини қуёшли диёримиз атоқли фарзандларининг шонли, забардаст, жанговар умр сўқмоқлари тарихига таққослагим келади. 1910 йилда Андижон областининг Ойим қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, 11 ёшида отадан, 17 ёшида онадан ажралган ёш Босит кўчада тентираб етим бўлиб қолмади. Ҳукуматимизнинг меҳрибончилигини кўрди, яхши одамлар ғамхўрлигидан баҳраманд бўлди. Болалар уйида тарбияланиб, етти йиллик мактабни муваффақиятли тамомлади. Комсомол сафига ўтди. Катта ҳаёт йўлига дадил қадам қўйди. Узининг дастлабки меҳнат фаолиятини Тошкентдаги озиқ-овқат корхоналаридан бирида оддий ишчи сифатида бошлади.

Ёш ишчи Боситни ҳамма нарса қизиқтиради. У яна ўқиб, билимини ошириб боришни истайди. Кечалари китоб мутолаа қилиб, қўлга қалам олиб, ўқиб-билганларини ёзиб боради. Адабий асарларда тасвирланган, янги ҳаёт учун курашган қаҳрамонларнинг ёркин образлари унда унутилмас катта таассуротлар қолдирган эди. У ўз корхонасидаги устозлари, меҳрибон мураббийлари, ҳаётда кўрган ажойиб кишилар тўғрисида қалам тебратади. Бу ерда яна шу нарсани эслатиб ўтиш керакки, ёш ҳаваскор қаламкаш Босит ишчилар ҳаётидан олинган «Севги алпози» деган бир пардали пьесасини ёзиб, уни ўзи ишчилар саҳнасига қўяди ва бош қаҳрамон ролини ўзи ижро этади. Шунингдек лапарлар ёзиб, бадиий кечаларда ўзи айтиб, ишчи дўстлари ташаккурларига сазовор бўлади.

Унинг адабиёт ва санъатга қизиқишини билган, дастлабки бадиий намуналаридан хабардор бўлган ижодий ташкилотлар Босит Халил ҳақида ғамхўрлик қиладилар. 1930 йилнинг бошида у Узбеккино томонидан Москвага сценаристлар курсига ўқишга юборилади. 1931—1932 йилларда Тошкентдаги Ўрта Осиё Коммунистлар Университети (САКУ)нинг газета курсида таҳсил ола бошлайди. Курсни тугатганидан кейин 1933 йилда «Ёш ленинчи» газетасида адабий ходим бўлиб ишлайди. Уша йилнинг декабрь ойида Самарқанд областининг Зомин район «Колхоз ғалабаси» газетасини ташкил этишга боради ва у ерда редактор бўлиб ишлайди. 1934—1937 йилларда «Маданий инқилоб» газета редакциясининг техникумлар бўлимини бошқаради. 1940 йилдан 1942 йил мартигача, яъни фронтга кетгунча Узбекистон радио комитети болалар редакциясида ишлайди.

Фронтчи, коммунист Босит Халил 1946—1948 йилларда Тошкент шаҳар совети санъат ишлари бошқармасини бошқаради. 1948 йил декабрида Узбекистон маориф министрлиги органи «Ўқитувчилар газетаси»да масъул котиб, кейин редактор бўлиб ишлайди. 1954 йилда «Тошкент ҳақиқати» газетаси ташкил бўлгандан кейин бу редакцияга ишга таклиф этилади.

Мана 26 йилдирки орденли газетанинг забардаст ходими у. Коллективда яхши ишлаб келганлиги, кўп йиллик самарали хизматлари учун «Шавқатли меҳнати учун» медали билан тақдирланган. «Узбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилган. «1977 йил Социалистик мусобақа ғолиби» ва «Меҳнат ветерани» медаллари билан мукофотланган. 1946 йилдан КПСС аъзоси. Шу йили СССР ёзувчилар союзига, кейин СССР Журналистлар союзига аъзо бўлиб қабул қилинган. Уруш ветерани, меҳнат ветерани, ижод ветерани Босит аканинг баракали ҳаёт йўли ана шундай ёркин воқеаларга тўлиқдир.

Босит аканинг ўндан ортиқ пьесалари турли театрларда томошабинларга намойиш қилинди. «Бепадар» пьесаси Андижон театрида, «Даъвогарлар» Янгийўл театрида, «Раис уйланармиш», «Совчилар», «Ошиқлар», «Гулбаҳор қани?» пьесалари Муқимий номли республика музикали ва комедия театрининг репертуарларидан кенг ўрин олди.

Босит Халил 1970 йилда китобхонларга ўзининг йирик асари «Якка қайрағоч» киссасини тақдим этди. Бу асарда 20—30 йилларда Фарғона водийси қишлоқларида эскилик қолдиқларига, саводсизликка қарши кураш, халқ душманларини тор-мор келтиришда актив қатнашган чекист — Ғанижоннинг янги ҳаёт учун жонбозлик кўрсатгани, қишлоқ зиёлиларининг эсда қоладиган ёркин образлари гавдалантирилди.

Босит ака самарали ижодкор, оператив журналист. Унинг ажойиб замондошларимиз, дала гвардиячилари ҳақида «Темирчининг ўғли», «Чолнинг ҳиммати», «Ҳакимжоннинг бувваси» ва бошқа очерклари бор. Унинг фельетонлари ва миниатюралари ҳам эл орасида машҳур. «Бажарамиз деганлар қўл кўтарсинлар», «Ҳасанов овга чиқди», «Кўринмас одам», «Сўзсиз лекция» фельетонлари, «Хатингизга раҳмат», «Ҳолва», «Яшамаган одам» миниатюралари шулар жумласидандир.

«Тошкент ҳақиқати»ни кузатиб борган газетхон унинг саҳифаларида Босит аканинг қишлоқ хўжалиги мавзуидаги муҳим, проблематик, оператив, танқидий материалларини тезгез учратиб туради. Босит акани областимиз меҳнаткашлари жуда яхши биладилар.

Босит ака бугун ўзининг табаррук 70 йиллигини нишонламоқда.

Ҳурматли устоз юбилярларимизни чин юракдан муборакбод этиб, доимо омон бўлинг, Босит ака, деймиз!

НАЗАРМАТ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

9 НОЯБРЬ

3 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.05 — Темир эшик сири. Бадиий фильм. 11.30 — Скрипка миниатюралари. 11.45 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20—Ҳужжатли фильм. 15.50 — Олға, болакайлар! 16.50 — Онамларнинг мактаби. 17.20 — Концерт. 18.10 — Баскетбол бўйича СССР чемпионати. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.05 — Фильм-концерт. 19.45 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 20.15 — Сўна. Кўп серияли бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.15—Ҳужжатли экран. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.30 — Дон Кихот. Балетидан саҳналар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30—Болалар учун фильм. 11.55 — Бахтли болалик. 12.25 — Ҳужжатли фильм. 12.45—Дубравка. Бадиий фильм. 18.20 — Болалар учун қўғирчоқ фильм. 18.30 — Жонажон ўлка. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ноз-неъмат бунёдкори. 20.05 — Шеърият дафтаридан. Шукрулло. 20.30 — Ахборот. 20.50 — М. Горький номли Фарғона музикали драма ва комедия театри солистларининг концерти. 21.30 — Время. 22.15 — Инқилоб чавандозлари. Бадиий фильм. 23.50 — Бугун оламда нима гап?

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Болалар учун фильм. 21.00 — Уқитувчи экрани. 21.30 — Олий математика. 22.30 — Майсаранинг иши. Телеспектакль.

4 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Олға, болакайлар! 11.15 — Сўна. Кўп серияли бадиий фильм. 1-серия. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.00 — Э. Багрицкий поэзияси. 16.30 — Шахмат мактаби. 17.00 — Концерт. 17.15 — Ешлар адреслари. 18.15 — Удмуртистон булоқлари. 18.45 — Концерт. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.15 — Концерт. 20.25 — Сўна. Кўп серияли бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.15 — Биргалашиб, куйлаймиз, дўстлар. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30—Болалар учун фильм. 12.00 — Оила ҳақида мулоҳазалар. 12.20 — Болалар учун концерт. 12.50 — Инқилоб чавандозлари. Бадиий фильм. 18.15 — Сўз кетидан сўз келар. 19.00 — Коммунистлар университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ғазал оқшоми. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Узбек артистлари ижросида чет эл шарқ куйлари. 21.30—Время. 22.15 — Ишга туширилаётган объектлар ўз муддатида. 22.30 — К. Яшин. Инқилоб тонги. Ҳамза номли узбек давлат академик театрининг спектакли.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ўқитувчи экрани. 20.55—Хоккей. Бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» — АСК (Москва ҳарбий округи). 21.20 — Назарий механика. 22.20 — Ҳамқишлоқлар (бадиий фильм).

5 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Ешлар адреслари. 11.15 — Сўна. Кўп серияли бадиий фильм. 2-серия. 12.20—15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Беозор уччилар. Бадиий фильм. 16.30 — Горничилар, қаердасиз! 17.00 — Рус тили. 17.30 — Звездочёт. 18.15 — Ҳужжатли фильм. 18.50 — Концерти. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.45 — Концерт. 20.20 — Сўна. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.15 — Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Қўғирчоқ фильм. 11.55 — Уйлаб топ. 12.55—Ешлик. 13.25 — Қойилмақом Фердинанд. Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.30—Тенгдошларинг ижоди. 19.00—КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳаёт формуласи. 20.00 — Байрам мушораси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Н. Пўлатова ва И. Бўронов концерти. 21.30 — Время. 22.15 — Қора консулнинг ҳалокати. Бадиий фильм. 23.45 — Бугун оламда нима гап?

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Эстетика. 20.55 — Реклама. 21.15 — Қонун қўриқчилари. 21.45 — Ўқув кўрсатуви. 22.45 — Қўшиқлар.

6 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Биз билан бирга худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 11.15 — Сўна. Бадиий фильм. 3-серия. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Беозор уччилар. Бадиий фильм. 2-серия. 16.30 — Ҳунар-техника таълими билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 17.15 — Поэзия. 18.15 — Москваликлар — партия съездига. 18.45 — «Ералаш» журнали саҳифаларида. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Композитор Н. Песковнинг «Ватанга қасамёд» кантатаси. 19.55 — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Байрам концерти. Кремлнинг съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида «Время».

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Болалар учун фильм-концерт. 11.55 — Миша — сеҳргар. Бадиий фильм. 12.25—Ешлик. 12.55 — Ў. Умарбеков. Отилмаган ўқ. Спектакль. 17.30 — Қўғирчоқ фильм. 17.50 — Қувноқлар даврасида. 18.20 — Партияга, Ватанга шон-шарафлар! 19.00 — Акборот. 19.15 — Истеъдод. 19.35 — Ахборот. 19.55 — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Танаффус пайтида Время. 22.15 — Тошкент. Узбекистон пахтакорларининг катта меҳнат ғалабаси. Махсус кўрсатув ва концерт.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25—Кўғирчоқ фильм. 21.15 — Тошкент байрам арафасида. 21.45 — Инсонларга нима ҳадя этасан? 22.05 — Тун ҳам бўлди, кун ҳам бўлди. Бадиий фильм.

7 НОЯБРЬ, Ж У М А

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Кино кўрсатув. 10.05 — Революция қўшиқлари. 10.45 — Инсон. Ер. Коинот. 11.30 — Улуғ Октябрь. 12.05 — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 12.45 — Москва. Қизил Майдон. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши. 15.30 — Ляля, Руслан ва унинг дўсти Саня. Бадиий фильм. 16.35 — Цирк майдонида. 17.10 — Октябрь. Бадиий фильм. 18.50 — Голубой огонёк. 21.30 — Время информацион программаси.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

9.45 — Тошкент тонги. 9.55 — Тошкент. В. И. Ленин номли майдондан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши олиб кўрсатилади. 12.45 — Москва. Қизил майдондан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши кўрсатилади. 18.05 — Болалар учун мультфильм. 18.20 — Байрам концерти. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Фильм-концерт. 19.50 — Ахборот. 20.30 — Табрикларимизни қабул этинг. Байрам музикали программаси. 21.30 — Время. 22.45 — Табрикларимизни қабул этинг. Концерт давоми.

II

20.05 — Қўғирчоқ фильм. 21.05 — Революция поэмалари. 21.45 — Телефильм. 22.15 — Совет Иттифоқи элчиси. Бадиий фильм.

8 НОЯБРЬ, ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

8.50 — Янгиликлар. 9.10 — Қалбга яқин қўшиқлар. 10.00 — Саноат ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари — 1980 йилги СССР Давлат мукофотларининг лауреатлари. 11.00 — АБВГДейка. 11.30—Спортлото. 11.45 — Ғолиблар. 13.00 — Фан ва техника соҳасида 1980 йилги СССР Давлат мукофотлари лауреатлари. 13.45 — Қувноқ нотачалар. 14.45—Киносаёҳатчилар клуби. 15.45 — Қўшиқ инсон билан қолади. 16.30 — Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида 1980 йилги СССР Давлат мукофотлари лауреатлари. 17.30 — Снёсий шарҳловчи В. П. Бекетов сўзи. 18.00 — Музикали фильм. 19.15 — Мультфильм. 19.20 — Чин қалбдан. 21.30 — Время. 22.15—Дарвани кенг олинг. 00.05 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Фильм-концерт. 10.35 — Биз Октябрь фарзандларик. 11.05 — Қўлга тушмас қасоскорлар. Бадиий фильм. 12.20 — Ҳужжатли фильм. 17.00—Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Зенит» (Ленинград). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 18.50 — Мультфильм. 19.00 — Экранда — хоразмлик ёш талантлар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Оламга саёҳат. 21.30 — Время. 22.15 — Эстрада программаси. 23.05 — Телефильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.30 — Душанба кўрсатувлари.

9 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Зарядкага, сафланинг! 10.15 — Халқ оҳанглари. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 12.00 — Поэзия. 12.45 — Тонгги почта. 13.15 — Қишлоқ янгиликлари. 14.15 — Музикали киоск. 14.45 — Москванинг чет эллик меҳмонлари. 15.05 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 16.05 — Социалистик мамлакатлар бадиий коллективларининг концерти. 17.00 — Халқаро панорама. 17.45 — Мультфильмлар. 18.10 — Тергович билимдонлар олиб боради. 20.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. 21.45—Время. 22.15 — Оперетта кечаси. 23.20 — Ҳужжатли фильм. 23.50 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Тонги концерт. 10.50 — Қўлга тушмас қасоскорлар. Бадиий фильм. 12.10 — Қувноқ стартлар. 13.10 — Мультфильм. 13.20 — Узбекистон ёзувчилари VIII съездининг қатнашчилари сўзлайдилар. 18.20 — Мультфильм. 18.30—Бойчечак. 19.00 — Ахборот. 19.15 — Цирк, цирк, цирк. 20.00 — Ахборот. 20.20 — СССР халқ артисти Зайнаб Хонларова куйлайди. 21.45 — Время. 22.15 — Мафтунингман. Музикали комедия.

КИРГИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

Дунё овози
чет эл хабарлари

ҲИНДИСТОН ҲУКУМАТИНИНГ ТАЛАБИ

ДЕҲЛИ, 30 октябрь. (ТАСС). Ҳиндистон ҳукумати Американинг Калькуттадаги консулхонасидан Ҳиндистоннинг ички ишларига қўпол аралашишини тўхтатишни талаб қилди. «Пэтриот» газетасининг бугун хабар қилишича, Хитойга ҳам худди шундай талабнома йўлланган.

Хитой матбуоти АҚШ билан Хитойнинг Ҳиндистонга қарши қўпорувчилик ишларидан далолат берувчи рад этиб бўлмайдиган фактларни келтиради. Манипур штатининг маъмурий марказини — Импхаладан олинган хабарларга кўра армия бўлинмалари ва хавфсизлик кучлари шу шаҳарда ўтказган операциялар натижасида пекинпарваст «халқ озодлик армияси»га мансуб бўлган сепаратчиларнинг катта яширин гуруҳи тугатилди.

«Таймс оф Индиа» газетаси исёнчиларнинг қамоққа олинган бошлиқлари Хитойда махсус тайёргарликдан ўтганликларини қайд этади. Хитойда ишлаб чиқарилган кўп миқдордаги қурол-яроғ, Хитой махсус хизмат маҳкамаларининг Ҳиндистондаги сепаратчилар билан алоқаларини фош этувчи ҳужжатлар қўлга туширилди.

АҚШнинг Калькуттадаги бош консули Р. Паркинс Бихар штатида Ранчи ва Чхотанагпур районидаги сепаратчилар ҳаракатларининг раҳбарлари билан бир қанча учрашув ўтказганлиги яқинда матбуотда хабар қилинган эди. Америка консулхонасининг ходимлари шимолий-шарқий штатлардаги сепаратчиларнинг бошлиқлари учун Калькуттада турли «семинарлар»ни бир неча марта ташкил этганликлари ҳам яхши маълум. Ана шу «семинар»ларда мамлакатнинг мазкур районларини Ҳиндистондан ажратиб олиш масалалари муҳокама қилинган.

Маҳаллий матбуот АҚШ ва Хитойнинг Ҳиндистон ишларига аралашувини қаттиқ қораламоқда.

„АДРНИНГ ОҚ КИТОБИ“

НЬЮ-ЙОРК, 30 октябрь. (ТАСС мухбири). АДРнинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси бу ерда тарқатган «Афғонистон Демократик Республикасининг оқ китоби» Афғонистоннинг ички ишларига тўхтовсиз аралашаётган Вашингтон, Пекин ва уларнинг гумашталари шаънига қилинган ғазабли айбнома бўлди.

АДР ташқи ишлар министрлиги тайёрлаган китобда АДР ҳукуматининг баёнотлари ва қарорлари, АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармалнинг, АДР ҳукумати бошқа аъзоларининг нутқлари ва суҳбатлари, Бахтар агентлигининг энг муҳим информацион билдиришлари тўпланган.

Тўпламга киритилган ҳужжатлар Демократик Афғонистонга қарши жиноий ишларга ким бошчилик қилаётганлиги тўғрисидаги саволга ишонарли жавоб бўлади. Нашрда кўпдан-кўп далиллар келтириладики, улар айни империализм ва гегемонизм кучлари афғон халқининг янги ҳаёт қурилиши йўлида ғовлар вужудга келтираётганига шак-шубҳа қолдирмайди.

Китобда АДР хавфсизлик органлари зарарсизлантирган жосуслар ва диверсантларнинг кўрсатмалари келтирилган. Ана шу жосуслар ва диверсантлар уларни АҚШ, Хитой, Покистон, Англия ва Мисрдан келган инструкторлар таълим бериб ўргатганликларини тўғридан-тўғри тан оладилар. Келтирилган ҳужжатли далиллардан шу нарса маълум бўладики, босмачилар Америка қурол яроғи ва ўқ-дорилари билан, шунингдек Хитой, Покистон ва Мисрда ишлаб чиқарилган қурол-яроғлар билан таъминланмоқда. Империализм ва гегемонизмга ёлланган сотқинлар энг оғир жиноятларга — одамларни кўплаб ўлдириш, қийнаш, тинч аҳолини таҳқирлаш каби жиноятларда айбдордирлар.

Империализм ва гегемонизм кучларининг игвогарлик ва қўпорувчилик ҳаракатлари ҳамон давом этаётганлигига қарамай АДР ҳукумати Афғонистон теварагидаги аҳволни сиёсий йўл билан бартараф этишга эришиш учун изчиллик билан муттасил курашиб келмоқда. Ўз тақдирини қатъий белгилаб олган афғон халқи ташқаридан қилинаётган интервенцияни тўхтатиш, Афғонистон билан қўшни давлатлар биринчи навбатда Покистон ҳукуматлари ўртасида тегишли аҳдлашувларга эришиш аҳволни ана шундай бартараф этишнинг йўлидир, деб ҳисоблайди.

Е. МЕНКЕС.

151 ЁЛҒОН СИГНАЛ

ВАШИНГТОН, 30 октябрь. (ТАСС мухбири). Қўшма Штатларнинг айби билан дунё бир неча марта ядро фалокати ёқасига келтириб қўйилди. Сенатнинг қуролли кучлар ишлари бўйича комиссияси эълон қилган докладда шу нарса эътироф этилади. Докладда, жумладан уқтириб ўтилдики, кейинги бир ярим йил ичидагина ҳар хил техник нуқсонлар сабабли шимолий Америка осмон ҳужумидан мудофаа (НОРАД) қўмондонлиги АҚШга «ядро атаками» бошланди, деб жами 151 марта ёлғон сигнал берди. Ана шундай ҳолларнинг тўрттасида ичида ядро қуроли бўлган «В-52» стратегик бомбардимончи самолётлар оширилган жанговар шай ҳолга келтириб қўйилди.

Чунончи, ўтган йилнинг ноябрида техник «носозлик» сабабли «бостириб кирган совет бомбардимончи самолётларини» қайтариш учун АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг 10 та йўлтўсар самолёти тревога билан осмонга кўтарилди. Ушанда ёлғондакам «совет атакаси»ни кўрсатувчиси перфокарта электрон ҳисоб машинасига тасодифан киритилган экан. Сенат комиссиясининг докладида қайд этилганидек, техник нуқсонлардан ташқари атмосферадаги ўзгаришлар бир неча марта жанговар тревога ёлғон сигналларини берилишига сабаб бўлди.

Америка жамоатчилиги мамлакат миллий хавфсизлигини таҳлика остида қолдираётган ана шундай «тревогалар»нинг олдини олиш учун самарали чоралар кўришни мудофаа министрлигидан неча марта талаб қилди. Аммо Пентагон бу талабларни эътиборсиз қолдирди. Шу муносабат билан мудофаа министри Г. Брауннинг андишасизларча айтишича, НОРАДдаги «воқеалар одатдаги бир ҳол бўлиб», у келгусида ҳам такрорланиши мумкин. Пентагон стратегларининг бундай масъулиятсизлиги ҳатто америкалик сенаторларни ҳам ташвишлантириб қўйди. Жумладан, сенатнинг қуролли кучлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияси келгусида хавфли «электрон хатолар»га йўл қўймаслик учун мудофаа министрлигини НОРАДни қайта ташкил этишга даъват этди. Шу муносабат билан «Вашингтон пост» газетаси таъкидлаб ўтганидек, бундай «электрон хатоларни асло оқлаб бўлмайди, чунки бундай хатолар жаҳон халқларининг тақдири учун ниҳоятда қимматга тушиши мумкин».

В. КУХАРЕНКО.



КАМПУЧИЯ халқи мамлакатнинг революцион ҳукуматини тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқда, унга Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ўзининг бирдан-бир қонуний вакили сифатида қарамоқда. 3 миллион кампучияликнинг ёстиғини қуритган жирканч полпотчилар тўдаси БМТда Кампучия халқи номидан вакил бўлишга ҳеч қандай ҳуқуқи йўқ — Пномпенда бўлиб ўтган оммавий митинг қатнашчилари ана шундай шиорлар билан намойиш ўтказдилар.

Б. Калашников фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ГАЗЕТХОНЛАР ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ТЕАТРНИНГ КИЧИК САҲНАСИ

МАКСИМ Горький номидаги Тошкент Давлат рус академик драма театри севимли санъат кошонаси сифатида минглаб томошабинлар меҳрини қозонган. Бу ерда қўйилаётган ҳар бир спектакль қизиқиш билан томоша қилинади.

Яқинда ўзининг янги мавсумини бошлаган бу ижодий коллектив томошабинларга яна бир қулайлик яратиб берди. Энди театр ўзининг иккинчи саҳнасига эга бўлади. Санъат даргоҳининг кичик саҳнасида театр репертуаридан ўрин олган тарихий асарлар намойиш қилинади.

Бу саҳнада ҳафтасига бир марта томоша кўрсатиб борилади.

А. АЛИЕВ.

МЕҲНАТ ЭВАЗИГА МУКОФОТ

Қишлоқларимизни қайта қуришда ҳамда замонамиз талабига жавоб берадиган посёлкаларни барпо этишдаги катта хизматлари учун «Узколхозстрой» бирлашмасининг бир гуруҳ ишчилари СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг медаллари билан мукофотланди.

Улар орасида «Ташобколхозстрой» трестининг 74-колхозлараро механизациялашган колоннасининг хўжалик ҳисобидаги комплекс бригадаси раҳбари Мурод Асҳўжаев ҳамда шу трестнинг 98-колхозлараро механизациялашган кўчма колоннасидан бригада бошлиқлари Хурсанд Абдуғаниев ва Ниғмат Маҳмудов ўртоқлар ҳам бор. Улар кўргазманинг бронза медали ва пул мукофотларини олишга сазовор бўлдилар.

А. ЗОКИРОВ.

ҚУРУВЧИЛАР ҒАЙРАТИ

«Узминсельстрой»га қарашли 23-трест, 37-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари Калинин районида 150 ўринли музика мактаб-интернати қуриш ишларини ниҳоясига етказмоқдалар. Бинони қуришда Қ. Соатов бошлиқ бригада аъзоларидан Х. Ҳожиҳўжаев, З. Вакилов, Н. Гранаткин, Р. Маҳкамбоев каби электр пайвандчи ҳамда ғишт терувчилар бошқаларга намуна бўлишяпти. Қурилишда жами 592 минг сўмлик иш бажарилади. Қурувчилар бинони йил охиригача фойдаланишга топшириш учун ҳаракат қилмоқдалар.


Б. АКБАРОВ.

БУРСИЛДОҚ ВА ШИРИН

«Қизилқайроқ» нон заводи ишлаб чиқараётган маҳсулотларни механизация воситаларидан фойдаланиб, ишлаб чиқаришга кенг йўл очмоқда. Ҳозирги кунда завод ишчилари ўртасида ширинлик ва бурсилдоқ ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун курслар ташкил этилган. Курсларда ишлаб чиқаришнинг технологияси, ускуналарни созлаш ва ишлатиш, ишлаб чиқаришда меҳнат ва техника хавфсизлигига риоя қилиш қоидалари ўргатилади.

Ш. ТАЛАЕВ,
Қ. МУЛЛАЖОЕВ.

Шунингдек, редакциямизга Бўстонлиқ районидан А. Мараимова Тошкент районидан Т. Жўраев, бекободлик Х. Отақўловлар ҳам турли мазмунда хат-хабарлар йўллашган.



МАКТУБА Пўлатова пойтахтимиздаги миллий чолғу асбоблари экспериментал фабрикасининг илғор ишчиси. Унинг қўлидан чиқаётган маҳсулот фақат аъло сифатга баҳоланмоқда.

В. Сироткин фотоси.

ЦИРК

МАМЛАКАТДА ЯГОНА

Маймунларнинг кишиларга тақлид қиладиган ҳаттиҳаракатларини кўриб, беихтиёр бу жониворлар таъёр артистнинг ўзи-я, дейишингиз мумкин. Очигини айтиш керак, бундай деб ўйласангиз янглишасиз!

Кайфияти доим ўзгариб турувчи — гоҳ қувноқ, гоҳ ғамгин, гоҳ эрка, гоҳ ёқимтой маймунлар томошабинларнинг олқишига сазовор бўладиган номерлар билан чиқишлари учун ўргатувчилардан ойлаб, йиллаб машаққатли меҳнат, изланиш талаб қилинади. Буни шу кунларда Тошкент давлат циркида томошалари муваффақият билан ўтаётган РСФСРда хизмат кўрсатган артист Валентин Иванов ва Ванда Ивановалар раҳбарлигидаги «Шимпанзелар цирки» аттракциони мисолида яққол кўриш мумкин.

Қувноқ музика садолари янграйди. Барчанинг диққат-эътибори манежга қаратилган. Программа эълон қилингач, саҳнага Ванда ва Валентин Ивановлар, улар билан бирга турли рангдаги кийимлар кийиб олган шимпанзелар чиқишади. Цирк чироқларининг рангоранг нурлари остида маймунларнинг ҳаракатлари, кийган кийимлари янада чиройлироқ, жозибалироқ бўлиб кўринади.

Шундай қилиб, Иттифоқимизда ягона бўлган маймунлар аттракциони бошланди. Томошабинлар манежда мотоциклни мустақил бошқараётган чапдаст шимпанзени кўриб ҳайратланадилар. Лекин, унинг муваффақияти узоқ давом этмайди. Тез ўтмай мотоцикл бузилиб қолади. Бизнинг қаҳрамонимиз ҳам аноёилардан эмас. У дарҳол мотордаги камчиликни қидириб топади ва созлайди. Ниҳоят, мотоцикл яна юриб кетади.

Яна бир шимпанзе эса мураккаб акробатика машқларини маҳорат билан бажаради. Жониворнинг бақувват қўллари музика садолари остида бир маромда ҳаракатга келади. Манежга оқ халат кийган, кўриниши жиддий маймун чиқиб келади. У шифокор. Бемор маймунларни қабул қилади. Уларга фойдали маслаҳатлар беради. Яна бир эпизодда эса шўх маймунча ўз ўргатувчиси Валентин Иванов билан аския айтишади.

Маймунлардан тузилган жаз ансамблининг музикалари ҳам сершавқ. Бу сафар шимпанзелар ўз чолғу асбоблари билан концерт программасини намойиш қиладилар.

Томошалар бир неча бор санъат ихлосмандларининг гулдурос қарсаклари ва олқишлари билан бўлиниб туради. Доимо манежда бўлган машҳур масхарабоз Александр Карашкевичнинг чиқишлари ҳам программани бойитган. Унинг аскиялари, тақлидларидан томошабинлар чеҳрасидан табассум аримайди.

Биз томоша сўнггида программанинг етакчи артистлари билан суҳбатлашамиз.

— Бизга 1960 йили, — деб ҳикоя қилади Валентин Иванов, — илтимосимизга биноан ёш шимпанзени беришди. Унгача биз турли цирк аттракционларида ўзимизни синаб кўрган эдик. Ўргатувчилик касби эса жуда мураккаб бўлди.

— Бизнинг шимпанзе биринчи куннинг ўзида катта томоша кўрсатди. Қафасдан чиқиб цирк биноси бўйлаб саёҳатга йўл олибди,— дея суҳбатга қўшилади Ванда Иванова. — Маймунларни қандай боқиш ва бу жониворлар билан қандай муносабатда бўлиш бизнинг олдимизга талай муаммоларни қўндаланг қилиб қўйди.

Улар мисли гўдак боладек, сал эътиборсизлик қилдингми, бас, дарров кескин ўзгариш сезилади. Бетоб бўлиб қолишади, иштаҳалари йўқолади.

Шу сабабли ҳам маймунлар парвариши учун мос шароит керак. Улар учун махсус жиҳозланган ЛИАЗ-647 автобуси ажратилган. Шимпанзелар томошадан ташқари вақтларини ана шу мўъжазгина уйларида ўтказадилар. Бу ерда уларнинг хордиқ чиқаришлари, овқатланишлари, машқ ўтказишлари учун барча шароитлар яратилган. Гастрол баҳона бўлиб, цирк бинолари, шаҳарлар ўзгариб туради. Лекин, маймунлар сира севимли автобусчаларидан ажралишмайди.

Ана шу автобус Иттифоқимизнинг турли шаҳарларида, Болгария, Финляндия, Австрия, Япония каби чет эл мамлакатларида бўлди. Чет эллик цирк санъати мухлислари ҳам шимпанзеларнинг чиқишларини олқишлар билан кутиб олдилар.

Серқуёш Тошкентимизда эса бу труппанинг биринчи маротаба бўлиши. Цирк артистлари гўзал шаҳримиз кишиларининг меҳмондўстлигини, санъатсевар ва сершавқлигини бир овоздан таъкидламоқдалар. Томошабинлардан таралаётган ҳарорат артистларга хуш кайфият бахш этаётир.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ТИЛЛАЮ ЗАРДАН ЗИЁД

Пахтамиз ҳар толаси боқ, тиллаю зардин зиёд,
Иўқ, адашдим, тилла—зармас дуру гавҳардин зиёд!
Ғўза—нижу, марварид тақкан келинчакка қиёс,
Бўйлари ларзон уриб, сарви санобардин зиёд!

Пахтазорни тебратиб эсган маҳал боди сабо,
Ҳар сари хуш бўй таратган мушки анбардин зиёд!
Пахтазорим йўқ поёни бўйла зангори фалак,
Ярқираб заррин чаноқлар Марсу Ҳулкардин зиёд!

Юксалиб ёрмиш булутлар бағрини оқ тоғларим,
Пойида қолгай Тянь-Шань, моҳи анвардин зиёд!
Пахта мадҳин баҳши Едгор ёзди бир дафтар қилиб,
Ушбу дафтар зеб жилоси барча дафтардин зиёд!


ЕДГОР БАХШИ ИСҲОҚОВ.

БОЛАРИ БИЛАН ПАШША

(МАСАЛ)

Езда, қовун полизда
Бир хира пашша —
Дуч келди-ю аригa,
Қилди ҳарҳаша:
— Нега сени одамлар
Эъзозлар ёз, қиш?
Нечун менга кун бермас,
Ердирар қаргиш?
Мен ҳам сендек ширахўр,
Қанотли жонзот.
Бу хўрликка мен ортиқ
Чидолмайман, дод!
— Эй пашшахон, сен аввал,
Узингга бир, боқ:
Бирор фойда келтириб,
Инсонларга ёқ.
Шунда сенн атамас
Текинхўр, беғам.
Узгалардай ёз куни
Тер тўк-да сен ҳам!..
Татиб кўргач асалим,
Эркалар суюб.
Рашк ўтида мунча ҳам,
Енмасанг куйиб.
Болари шу сўзларни
Айтди ғингиллаб,
Пашша тажанг бўлди-да,
Кетди дингиллаб.

Абдуҳалил ШОТЕМИРОВ,
колхозчи.



КУИБИШЕВ области. Сизран нефтни қайта ишлаш заводининг «Парекс» комплексини ишга тушириш-созлаш ишлари бошланди. Бу комплексда суюқ парафин ишлаб чиқарилади. Суратда: «Парекс» комплекси.

Ю. Белозеров фотоси. ТАСС фотохроникаси.

МЕХАНИЗАТОРНИНГ РЕКОРДИ

ЖДАНОВСК (Озарбайжон ССР), В. И. Ленин номли совхоз бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сардор Имралиев йиғим-теримни тугатди. У бу йилги пахта теримида рекорд ҳосил олишга эришди. У 771 тонна хом ашё тўкди.

Озарбайжон механизаторлар мактабининг бошлиғи С. Имралиев пахта теришнинг оригинал усулини ишлаб чиқди. Бунда иккита агрегат билан ишланади. Битта машина пахтани тўккунга қадар, у иккинчи машинанинг штурвалига ўтиради. Бу усулни ундан кўпгина издошлари ўргандилар. Булар орасида Агжабедий районидан Шабан Рзаев 721 тонна, Бардин районидан Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Тарлан Мусаев 566 тонна пахта териб топширдилар.



Суратда: цирк томошала ридан кўринишлар.

А. Абалян фотолари.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Тиббиёт хазинасидан

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, медицина фанлари кандидати Зикрилла Эгамбердиев билан медицина фанлари кандидати Зарифа Эгамбердиевалар саломатликка оид афоризмлар, доноларнинг бу ҳақда айтган сеҳрли сўзларини кўп йиллардан бери тўплаб келадилар. Таниқли шифокорларнинг ана шу изланишлари натижасида вужудга келган «Тиббиёт хазинасидан» деб номланган китобча Ўзбекистон «Медицина» нашриётида турли йилларда уч марта чоп этилди. Халқимиз саломатликка оид дурдона фикрларга ғоят ташна бўлганлиги учун нашр этилган рисолалар ўқувчилар орасида тез тарқалиб кетди. Авторлар тиббиёт ҳақидаги ҳикоят, ривоят ва афоризмларни йиғишда давом этиб, янги-янги ҳикматли сўзлар ва халқ мақолларини топдилар. Шу тариқа китобчанинг қайта ишланган, тўлдирилган янги варианти тайёр бўлди. Биз газетхонларни ана шу халқ ҳикматлари билан таништириб боришни лозим топдик.

ТАБИАТ ВА САЛОМАТЛИК

Одам табиатга таъсир кўрсатиш билан бирга ўз шахсининг табиатини ҳам ўзгартиради.

К. МАРКС.

Табиатнинг беқиёслигини тан олмоқ керак. Кишининг қанчалик соғлом, посоғлом бўлиши ҳаво, иқлим ва яшаш тарзига боғлиқдир.

АБУ БАКР РОЗИЙ.

...(Одамлар) тузилишларининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларнинг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ер — одам яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ.

Жаннат боғини «гўзал боғ» дейдилар. Лекин, сиз шу дунёдаги дарахт сояси ва оқар сув бўйларини ғанимат билинг, жаннат боғини ва унинг айш-ишратларини мақтаганлар оқил эмасдирлар. Насияга алданиб, нақд жойни қўлдан берманг.

Ҳофиз ШЕРОЗИЙ.

Балиққа сув, паррандага ош-нон, ҳайвонга — ўрмон, дашт, тоғ, одамга эса Ватан керак. Шунинг учун ҳам табиатни муҳофаза қилиш — Ватанни муҳофаза этиш демакдир.

Табиат — бу ўзимиз демак. Ҳаммамиз ҳам табиатдан ўсиб чиқиб, табиатда камол топамиз. Табиат олдидаги бурчимиз туганмасдир.

Чингиз АЙТМАТОВ.

Пахтамиз ҳар толаси боқ.
Дипломсиз ва муҳрсиз, кабинетсиз ва бепул даволайдиган пролетар шифокор — қуёшдир.

Н. И. ПОДВОИСКИЙ.

Иллаб тоза ҳаводан, офтоб тафтидан, яхши таомлардан маҳрум бўлиб юрган киши охири бориб бирор дардга чалиниб қолади.

ҲИНД МАНБАЛАРИДАН.

«Мушук текинга офтобга чиқмайди» деб бежиз айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам, мушукнинг офтобда исинишида гап бор экан. Кунларнинг бирида даниялик врач Нильс Финзен қўшнисининг томида — мўрининг ёнида исиниб ётган мушукнинг ҳатти-ҳаракатини кузатди. Врач мушукнинг мўри сояси тушиши билан ўрнидан туриб, яна офтоб тушадиган жойга ётиб олишини кўрди. Финзен мушукнинг бу ҳаракатини текшириб, қуёш нурининг тирик организмга таъсирини ўрганишга киришди ва ундан кишиларни даволашда фойдаланди. Нильс Финзен бу ғоявий муваффақиятли амалга оширгани учун 1903 йили Нобель мукофотига сазовор бўлди.

ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДАН

Двоген катта бочка ичида истиқомат қиларди. Унинг бадани иссиқ-совуққа ўрганган экан. Кунлардан бирида Искандар Зулқарнайн Диогенни зиёрат қилди.

— Буюринг нима хизматингиз бор? — деб сўради.

— Нари тур, қуёшни тўсма, — деди Диоген.

— Агар мен Искандар бўлмаганимда эди, Диоген бўлишни истардим, — деди жаҳонгир.

РИВОЯТЛАРДАН.

ФАН-ТЕХНИКА УФҚЛАРИ

ГАЗ-3102 ЯНГИ „ВОЛГА“

КПСС XXVI съезди очиладиган кун арафасида Горький автозаводидан ГАЗ-3102 «Волга» автомашинасининг биринчи саноат туркуми чиқарилади. 1981 йилнинг охирларида эса бу машина завод конвейеридан оммавий равишда тушади.

Бир қарашда янги автомашина ГАЗ-24 «Волга»нинг такомиллашганидек туюлади. Лекин, техник нуқтаи назардан эътибор берилса, унда Ватанимиз автомобилсозлигининг энг сўнгги ютуқлари мужассамлашгани намоён бўлади. Янги модел конструкциясидаги энг муҳим нарса двигателининг ёнилғи тежаши ва унинг ёниши натижасида ҳаво ифлосланишининг камайишидир.

Янги двигатель ишчи ҳажми 2445 куб сантиметр бўлган ГАЗ-24 нинг тўрт цилиндрли двигателидаги кўпгина деталларидан ташкил топган. Унинг қуввати 105 от кучидан кўпроқдир. Бу ўзгаришлар автомобиль хизмати муддатини бирмунча узайтиради. Янги машина энди 300 минг ўринга 350 минг километр юргандан сўнг капитал ремонт қилиниши мумкин.

Ички ва ташқи ўзгаришлар машинанинг габаритларида ҳам акс этади. Агар у ГАЗ-24 машинасига таққосланса, узунлиги 225 миллиметрга ошиб, 4960 миллиметрни ташкил этади. Кенглиги эса 1846 миллиметрга тенг. Бу аввалги машинадан 46 миллиметр кўпдир. Бу ўзгаришлар эвазига янги автомашинанинг вазни 30 килограммга ошиб, 1450 килограммни ташкил этади.

ГАЗ-3102 нинг тезлиги соатига 150 километрга етади. У 16 секунд мобайнида жойидан қўзғалиб, соатига 100 километр тезликка эриша олади. Шаҳар шароитида машина ҳар 100 километр учун 11,6 литр бензин сарф қилади.

(АПН).

Реклама ва эълонлар

М. Қориёқубов номидаги Узбек Давлат филармонияси
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
8 НОЯБРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 да
КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ, Мўътабар ЮЛДОШЕВА.
СОЛИСТЛАР:
Фахриддин УМАРОВ.
Ҳожианбар ҲАМИДОВ, Нуржаҳон САТТОРОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Муҳаббат КУБАНОВА, Роза КАРИМОВА, Ражаб ИСМОИЛОВ, Отамурод ҲОЖИЕВ, Ойхон ЕҚУБОВА, Таваккал ТУРСУНОВА.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.
Программани — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом Тожи АЪЛОЕВ ва Утнир СИДДИҚОВ олиб борадилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.10 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 10.40 —Оталар, Сизлар учун. 11.10 — Концерт. 11.45 — Советлар ва ҳаёт. 12.15 — Қалбга яқин қўшиқлар. 12.55 — Спортлото. 13.10 — Москвичка. 14.30 — Эрмитаж. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Малла. Бадиий фильм. 16.40 — Концерт. 17.05 — Жазоир бўйлаб. 17.35 — Концерт. 18.10 —Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 18.40 — Мультфильмлар. 19.05 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.50 — Урушсиз 20 кун. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.15 — Кинопанорама. 23.50 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Сўз кетидан сўз келар. 10.30— Шум бола. Бадиий фильм. 12.00 — Третьяков галереясининг 103 дурдонаси. 12.30 — Кинередакция почтасидан. 13.15 — Ёшлик. 14.15 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 18.20 — Юлдузча. 19.00 —Биз қувноқ ва шодон яшаймиз. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Совет Ўзбекистони композиторлари. 20.30 — Ахборот. 20.50— Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Хирмонингизга барака. 22.30 — Нодира лирикаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.10 — Душанба кўрсатувлари.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/XI да Тирик мурда, 2/XI да Нодирабегим (12.00), Ғариблар (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/XI да Тошкентнинг нозанин малиняси, 2/XI да Ур, тўқмоқ (16.00), Тўйдан олдин томоша (19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ШИМПАНЗЕЛАР ЦИРКИ» аттракционининг гастроллари (19.30).

ҲАР ТЎҒРИДА

ЭЛЕКТРОН ЛУҒАТ

Япониянинг «Шарп корпорейшн» фирмаси янги чўнтак электрон калькулятори ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу жажжи механизм математик ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан бирга зарур сўзларни бир неча тилларга таржима ҳам қилади.

Электрон луғат 14 вариантда ишлаб чиқарилаяпти. У туристлар, студентлар ва халқ хўжалигининг турли соҳа кишилари учун мўлжалланган. Луғат 2 минг сўз, ҳар қадамда керак бўладиган 150 дан ортиқ иборалярни таржима қила олади.

ҚУРҒОШИНДАН... АРМИЯ

Прагадаги ҳарбий музейда қўрғошиндан ишланган жангчиларнинг дунёдаги энг катта коллекцияси жамланган. Қўғирчоқлардан иборат кўп минг сонли армияга барча мамлакат ва даврларнинг ҳарбий кийимлари кийдирилган. Бадиий қиммати жуда юксак саналган бу ажойиб музейга ҳаммадан ҳам болалар кўп келар экан.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

КАРАТЕ. Ленинградда шу спорт тури бўйича иккинчи Бутуниттифоқ мусобақалари бўлиб ўтди. Бунда айниқса майдон эгалари яхши қатнашдилар ва команда ҳисобида биринчи бўлишди. Республикамиз вакили тошкентлик Николай Югай ярим оғир вазнда биринчи ўринни эгаллаганлигини маълум қилган эдик. Яна бир вакилимиз Марс Ли 55 килограммгача вазнлилар бахсида иштирок этиб, иккинчи ўринни олди.

Карате спорти бўйича СССРнинг биринчи чемпионатини келаси йилнинг февраль ойида Тошкентда ўтказишга қарор қилинди.

РЕГБИ. Тошкентда Бутуниттифоқ саралаш турнирида қатнашган тўрт команданинг иккитаси биринчи лигага йўлланма олди. Ана шу омадли икки команда Тошкентнинг «Космос» ва «Политехник» коллективларидир.

ХОККЕЙ. «Бинокор» навбатдаги учрашувини ўз майдонида Воронежнинг «Буран» командаси билан ўтказди. Биринчи кунги ўйинда ҳисоб 2:2 бўлди.

ШАШКА. «Шашка юлдузлари-80» турнири қатнашчилари бахсида вильнюслик Ромналда Виткаускайте етти турдан сўнг 6,5 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Республикамиз вакили Озода Аҳмедова ҳисобида 5 та очко бор.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь —334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325353; фотомухбир — 325894.

Р. 02340. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64833. Б. 1721.